

**PhD Озод Мирзаев, Жўрабек Жумабоев,
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси**

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ДОИРАСИДАГИ АЙРИМ ДАВЛАТЛАР ЙЎЛ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА УЛАРНИИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасидаги айрим давлатлар йўл жамғармалари ва уларниинг ривожлантириш хусусиятлари, мавжуд муаммолар, истикболлар ҳамда интеграцион стратегияларнинг ўрни таҳлиллар асосида атрофлича ёритиб берилган. Шунингдек, иқтисодий ҳамкорликни йўл жамғармалари доирасидаги функцияларини амалга ошириш йўналишлари алоҳида қайд этилган.

Таянч сўзлар: *иқтисодий ҳамкорлик, йўл жамғармалари, CAREC, миллий иқтисодиёт, глобаллашув, инновация, стратегия, интеграция, давлат бюджети, иқтисодий ўсиш, рентабеллик даражаси.*

ДОРОЖНЫЕ ФОНДЫ НЕКОТОРЫХ СТРАН В РАМКАХ ПРОГРАММЫ РЕГИОНАЛЬНОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ИХ АНАЛИЗ

Аннотация. На основе анализа детализированы дорожные фонды некоторых стран в рамках программы регионального экономического сотрудничества в Центральной Азии и особенности их развития, существующие проблемы, перспективы, а также роль интеграционных стратегий. Также отдельно отмечены направления реализации функций экономического сотрудничества в рамках дорожных фондов.

Ключевые слова: *экономическое сотрудничество, дорожные фонды, ЦАРЭС, национальная экономика, глобализация, инновации, стратегия, интеграция, государственный бюджет, экономический рост, рентабельность.*

ROAD FUNDS OF SOME COUNTRIES WITHIN THE REGIONAL ECONOMIC COOPERATION PROGRAM IN CENTRAL ASIA AND THEIR ANALYSIS

Abstract. The road funds of some countries within the framework of the regional economic cooperation program in Central Asia and their development features, existing problems, perspectives, and the role of integration strategies are detailed based on the analysis. Also, directions for implementing the functions of economic cooperation within the framework of road funds are noted separately.

Key words: *economic cooperation, road funds, CAREC, national economy, globalization, innovation, strategy, integration, state budget, economic growth, profitability.*

Кириш

Маълум бир минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўлар экан у албатта, мамлакатларнинг ҳудудий жойлашуви ҳамда тегишли манфаатларни кўзлаган ҳолда турли халқаро институтлар, ташкилотлар ҳамда дастурлар шакллантириш заруриятини юзага келтириши табиийдир.

Автомобил йўлларини молиялаштириш бўйича давлат мақсадли жамғармаларини ташкил этиш инфратузилмани самарали ва барқарор ривожлантиришни таъминлашда муҳим қадамдир. Мана шундай фондларни яратиш билан боғлиқ асосий жиҳатлар сифатида, тизимли молиялаштириш, инфратузилма барқарорлиги, иқтисодиётни рағбатлантириш, солиқлар ва йиғимлар, давлат бюджетидан бюджет маблағларини ажратиш., грантлар ва халқаро молиялаштириш, молиялаштиришнинг устувор йўналишлари, инновацион технологиялар, маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш, узоқ муддатли режалаштириш, хусусий секторни жалб қилиш каби жиҳатларни иноватга олиш муҳим аҳамият касб этади. Магистрал йўлларнинг давлат мақсадли жамғармаларини яратиш, агар жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тўғри режалаштирилса ва амалга оширилса, транспорт инфратузилмасини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишга кўмаклашишнинг самарали воситаси бўлиши мумкин.

Осиё тараққиёт банки(ОТБ)нинг ташаббуси билан шакллантирилган ва бугунги кунда бир қанча давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик йўналишларини

ишга туширишга эришган ва яна бир қанчасини лойиҳалаштираётган дастур - Марказий Осиёда минтакавий иқтисодий ҳамкорлик (МОМИХ ёки инглизча CAREC) дастурини мисол қилиб келтириш жоиз. Ушбу дастур 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Филиппин давлати, Манила шаҳрида жойлашаган ва ижрочи органи Осиё тараққиёт банки ҳисобланади. Унинг доимий аъзолари, Афғонистон, Озарбайжон, Грузия, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғилистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаларидир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Йўл инфратузилмасини молиялаштириш бўйича давлат мақсадли жамғармаларини ташкил этиш бўйича илмий адабиётларни кўриб чиқиш ушбу соҳадаги асосий мавзулар, ёндашувлар, моделлар ва тадқиқот натижаларини аниқлаш имконини беради. Қуйида бундай текширувни ўтказишда эътиборга олиниши мумкин бўлган асосий жиҳатлар келтирилган.

1. Тарихий жиҳатлар ва назарий асослар

- турли мамлакатларда йўл фондларининг яратилиш тарихи, уларнинг эволюцияси ва модуляцияси бўйича тадқиқотлар.

- мақсадли фондларни шакллантириш ва бошқариш, шу жумладан давлат молиясини бошқариш ва бюджетлаштириш жараёнларининг назарий асослари.

2. Молиялаш моделлари

- йўлларни молиялаштиришнинг турли моделлари, жумладан, солиқ моделлари (ёқилғи солиғи, транспорт тўловлари) ва уларнинг турли юрисдикциялардаги самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.

- Халқаро молиялаштириш тажрибасининг тавсифи, жумладан АҚШ, Европа, Осиё ва ривожланаётган мамлакатлардаги мисоллар ва амалиётлар.

3. Фонд тузилмаси ва бошқаруви

- мақсадли фондларни бошқариш тузилмаси, шу жумладан ташкилий шакллар, қарорлар қабул қилиш механизмлари ва бошқарув органларининг масъулияти бўйича тадқиқотлар.

- мониторинг ва аудит тизимларида шаффофлик, ҳисобдорлик ва назорат масалаларини кўриб чиқиш.

4. Иш фаолиятини таҳлил қилиш

- мақсадли фондлардан фойдаланиш самарадорлигини миқдорий ва сифат усуллари, жумладан, фойда-харажат таҳлили, ижтимоий ва иқтисодий таъсирларни баҳолаш орқали баҳолаш.

- йўл инфратузилмаси ҳолатига таъсири контекстида муваффақиятли ва муваффақиятсиз амалиётларни ўрганиш.

5. Инновациялар ва замонавий тенденциялар

- йўл фондларини бошқаришда инновацион технологияларни жорий этиш бўйича жорий тадқиқотлар, масалан, ақлли технологиялар (интеллектуал транспорт тизимлари).

- Қонунчиликдаги ўзгаришлар, сиёсат ва давлат имтиёзларининг маблағлар фаолиятини ташкил этишга таъсирини таҳлил қилиш.

6. Ижтимоий таъсир

- йўл фондларининг ижтимоий таъсири, шу жумладан йўл инфратузилмаси мавжудлиги ва хавфсизлиги, ижтимоий тенгсизликка таъсири билан боғлиқ тадқиқотлар.

- йўللارни молиялаштириш ва барқарор шаҳар ривожланиши, экология ва шаҳар сиёсати ўртасидаги муносабатлар.

7. Иш босқичлари ва эмпирик маълумотлар

- Олинган натижалар ва хулосаларга урғу берилган ҳолда турли мамлакатларда мақсадли жамғармаларни амалга ошириш бўйича муваффақиятли ҳолатлар ва тажрибаларнинг аниқ мисоллари.

- молиялаштириш ва йўл инфратузилмаси сифати ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган эмпирик тадқиқотлар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишда хорижлик иқтисодчи олимлардан Ю. В.Арбатская, Н. В.Васильева[1]ларнинг илмий тадқиқотларини кўриб чиқадиган бўлсек, улар йўл жамғармаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига катта эътибор қаратишган.

Иқтисодчи олимлардан Л. А.Николаева, В. В.Комиссарова[2]лар йўл жамғармаларини молиялаштиришда лизинг самарадорлигини алоҳида қайд этиб, ушбу йўналишда таҳлиллар ўтказишгандир.

Иқтисодчи олим Д. Д.Хенкеева[3] эса ўзининг илмий тадқиқотларида йўл ҳужалиги фаолиятини ташкил этишдаги муаммо ва унинг ижобий ечимларни баён этган.

Йўл жамғармаларини молиялаштиришда ҳамда уни ривожлантиришда факторли таҳлилларни амалга оширган иқтисодчилардан Т. Ф.Насруллаев, И. В.Чирикова[4]ларнинг ишларини алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Юртимиз иқтисодчиларидан Ж.С.Раматов, Р.Ў.Баратов, Ф.А.Кушаков, Л.А.Валиев, М.Н.Хасанов[5]ларнинг илмий тадқиқотларида миллий транспорт тизими ривожланиш тенденциялари акс эттирилгандир.

Иқтисодчи олимлардан С.Махмудов ўзининг илмий тадқиқотларида логистика тизимини молиялаштириш орқали экспорт амалиётларини ARDL ва ARIMA моделлари асосида эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштиришни амалга оширган[6].

Йўл инфратузилмаси соҳасида давлат мақсадли жамғармаларини ташкил этиш бўйича адабиётларни таҳлил қилиш ушбу механизмларни ўз мақсадларига эришиш учун қандай ташкил этиш ва оптималлаштириш мумкинлигини яхшироқ тушуниш имконини беради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасидаги айрим давлатлар йўл жамғармалари ва уларнинг ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик тизимида мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (МОМИХ ёки инглизча CAREC) дастур доирасида 6 та кўп томонлама шерик ва ҳалқаро институтлар мавжуд бўлиб, улар ОТБ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки

(ЕТТБ), Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ), Ислом тараққиёти банки (ИТБ), Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дасдури (БМТТД), Жаҳон банки (ЖБ) каби ташкилотлардир.

Ушбу ҳалқаро дастур доирасида шерикликни амалга ошираётган ҳалқаро институтлар манфаатлари доирасида, уларнинг маблағларини ажратилиши зарурияти борасидаги тегишли таҳлил ҳамда таққослашлар амалга оширилган ва амалга оширилиб келинмоқда.

Дастур миқёсида 27 йил давомида бир неча маротаба конференциялар бўлиб ўтди. Шу жумладан 2011 йил – Баку, Озарбайджон Республикаси, 2012 йил – Ухань, ХХР, 2013 йил – Остона, Қозоғистон Республикаси, 2014 йил – Бишкек, Қирғизистон Республикаси, 2015 йил – Улан-Батор, Мўғилистон Республикаси, 2016 йил – Исломобод, Покистон Республикаси, 2017 йил – Душанбе, Тожикистон Республикаси конференцияларидир[7]. Ундан ташқари, 2022 йилнинг 24 ноябрида CAREC дастурининг 21-Вазирлар конференцияси видеоконференция шаклида бўлиб ўтди[8]. 2023 йилнинг 30 ноябрида эса CAREC дастурининг 22-Вазирлар конференцияси Грузиянинг Тибилиси шаҳрида бўлиб ўтди[9].

Дастурнинг айнан бир йўналиши транспорт соҳаси бўлиб, ушбу масала бўйича CARECнинг транспорт сектори бўйича мувофиқлаштирувчи қўмитаси ўз фаолиятини амалга оширади.

Айнан бу қўмита ва унинг тадқиқот маълумотларини келтирилишидан мақсад ҳар бир мамлакатнинг асосий қон томири бўлган транспорт тузилмасининг муҳим бўлаги автомобиль йўллари ҳисобланади.

CAREC дастури доирасидаги мамлакатларнинг бу борадаги молиялаштирувчи асосий манбалари тегишли йўл жамғармалари ҳисобланади. Ўрганишимизда ОТБнинг таҳлилий маълумотларига асосланиб Озарбайжон, Қирғизистон, Мўғилистон, Покистон ва Ўзбекистон Республикалари Йўл жамғармалар ва уларни хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Йўл жамғармасининг санаб ўтилган мамлакатларда вужудга келиш тарихи қуйидагича бўлган. Хусусан, Озарбайжон давлатида Йўл бюджетининг мақсадли жамғармаси кўринишида 2006 йилда шакллантирилган;

Қирғизистон давлатида Йўл жамғармаси кўринишида 1998 йил шакллантирилган ва 2018 йилгача фаолият олиб борган ҳамда тубдан ўзгартирилиб янги Йўл жамғармаси 2021 йилдан фаолият бошлаган;

Мўғилистон Республикасида Давлат йўл жамғармаси сифатида 1998 йилда иш бошлаган. 2017 йил янги қонунчилик билан қайта тасдиқланган;

Покистон давлатида 2003 йилда йўлларни техник сақлаш ҳисоб рақами кўринишида шакллантирилган;

Ўзбекистонда Республика йўл жамғармаси сифатида 2003 йилда фаолият бошлаган ва 2019 йилгача бир қанча функционал ўзгартиришлар киритилиши билан фаолият олиб борган. 2019 йилдан Республика мақсадли жамғармаси шаклида институционал ҳамда функционал ўзгартириш киритилди ва қайта ташкил қилинди.

Йўл жамғармаларини ривожланиш тарихида амалда хусусиятларини намоён бўлишига қараб иккита авлодга ажратилган.

Биринчиси, йўл соҳасига йўлдан фойдаланувчилардан йиғимлар ҳисобидан даромадларни йўналтирилишини ифодалайдиган.

Иккинчиси, мақсадли даромадларни ҳисобдорлигини ва шаффофлигини оширилишини ифодалайдиган.

Биринчи авлодга тегишли хусусиятлар қуйидагилар.

Молия вазирлиги ҳузурида чекланмаган муддатга очилган маҳсус ғазна ҳисоб варағи кўринишида тузилган.

Автомобиль йўлларига масъул бўлган тегишли департамент ёки агентлик ушбу ҳисобварақни тўғридан тўғри бошқарган.

Бухгалтерия ҳисобида давлат ташкилотлари тизимидаги каби жараёнлари кўлланилган- чекланган аудит ва ҳисобдорлик.

Амалда йўл ҳаракати иштирокчиларини мутлақо соҳага оид устувор йўналишлар ва тараққиёт йўлини белгиланишида иштироки мавжуд бўлмаган.

Амалда мавжуд қонунчилик асосида оддий шаклда яратилганлиги ҳолатлари ҳисобланади.

Иккинчи авлодга тегишли хусусиятлар;

Тижорат банкларидаги ташқи ҳисоб рақамнинг мавжудлиги;

Бошқарувни алоҳида тузулма орқали амалга оширилиши: Секретарият ёки Кенгаш, Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва ҳисобдорлик жараёнларини кучайтирилиши, баъзи ҳолларда тегишли чора тадбирларда йўл ҳаракати иштирокчиларининг қатнашиши ёки маҳсус қонунга асосан қўшимча низомлар билан таъсис қилиниши кабилар ҳисобланади.


Ҳозирда йўл жамғармаларининг санаб ўтилган давлатлар бўйича тегишли харажатлар ва молиялаштириш тақсимои CAREСнинг транспорт сектори бўйича мувофиқлаштирувчи қўмитасининг маълумотларига кўра турлича ҳамда уникал ҳисобланади[10].

1-жадвал

Тегисли харажатлар ва молиялаштириш тақсимои[10]

Чора-тадбирлар	Озарбайжон	Қирғизистон	Мўғилистон	Покистон	Ўзбекистон
Йўлларни ёзги ва қишқи сақлаш	++	+	++	++	+
Жорий сақлаш/жорий таъмирлаш	++	+	++	++	+
Авария ҳолатидаги техник сақлаш/таъмирлаш	++	+	++	++	+
Мавсумий техник хизмат кўрсатиш/ оралик таъмирлаш	++	+	+	++	+
Реконструкция /капитал таъмирлаш	++	+	+	+	+
Активларни инспекцияси ва бошқариш	+	+	+	+	+
Йўл жамғармасини секретариятини иши	-	+	-	-	+
Йўл хўжалиги корхоналарини иши	-	+	-	-	+
Пуллик йўл	-	+	+	+($<2,5\%$)	-
Жиҳоз сотиб олиш	-	+	+($<10\%$)	-	+
Ҳавсизликни кучайтириш	-	+	+	+($<5\%$)	+
Геометриясини кучайтириш	-	+	-	+($<6\%$)	+
Йўл бўйи объектлари ва хизматлари	-	+	-	+($<1,5\%$)	+
Лойиҳалаштириш	-	+	-	-	+
Қуриш (реконструкция қилиш)	-	+	-	-	+
Кредитларни сўндириш	-	+	-	-	-

Ундан ташқари, жамғармаларнинг даромад манбаалари ва молиялаштиришга талаб кесимида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистондан бошқа мамлакатларда 4 ва ундан ортиқ даромад манбаалари келтирилган. Шу билан бирга Қирғизистон, Монголия, Покистон ва Ўзбекистонда молиялаштириш танқислиги жуда юқорилигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда эса тегишли институционал ўзгаришлар амалга оширилгандан сўнг, яъни 2022 йилга келиб фақат бюджет маблағларига боғланиб қолинган ва талаб қилинаётган молиялаштириш кескин даражада тушиб кетганлигини кўрамиз(1-расм).



1-расм. Йўл жамғарма фондларининг даромадлари ва молиявий ресурсларга эҳтиёжи[10]

Мавжуд таҳлиллардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш, тегишли манбаларни излаш ва уларни бошқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Провардида бу ҳаракатлар тегишли тартибда муҳим йўналишларни такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Хулоса

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасидаги айрим давлатлар йўл жамғармалари ва уларнинг ривожлантириш

хусусиятлари ўзига яраша индивидуал хусусият касб этади ҳамда интеграллашув жараёни қатор факторларни ўз ичига олиши лозимдир. Шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммолар ижобий ечимини топишда узок муддатли ҳамкорлик стратегияларнинг ўрни алоҳида қайд этишимиз лозимдир

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арбатская Ю. В., Васильева Н. В. Совершенствование финансового обеспечения дорожной деятельности в Российской Федерации: правовой аспект //Известия Байкальского государственного университета. – 2014. – №. 6. – С. 139-145.
2. Николаева Л. А., Комиссарова В. В. Лизинг как форма финансирования инновационных проектов в дорожном хозяйстве //Транспортное дело России. – 2011. – №. 1. – С. 26-30.
3. Хенкеева Д. Д. Дорожное хозяйство: проблемы его финансирования //Вестник Калмыцкого института социально-экономических и правовых исследований. – 2001. – №. 3. – С. 38-40.
4. Насруллаев Т. Ф., Чирикова И. В. Анализ факторов функционирования дорожного хозяйства в управлении, ориентированном на результат //Экономика и управление: проблемы, решения. – 2017. – Т. 4. – №. 6. – С. 96-103.
5. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МИСОЛИДА). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(9), 606-612.
6. Махмудов С. Логистика тизимини молиялаштириш орқали экспорт амалиётларини ARDL ва ARIMA моделлари асосида эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш //Economics and Innovative Technologies. – 2023. – Т. 11. – №. 2. – С. 243-261.
7. <https://www.carecprogram.org>
8. https://uza.uz/ru/posts/sostoyalas-ministerskaya-konferenciya-cares_429
9. <https://www.carecprogram.org>
10. <https://www.adb.org>